

Ўзбекистон Республикаси
Инновацион ривожланиш вазирлиги
ва Давлат статистика қўмитасининг
2021 йил “31” мартдаги 5-ҚҚ-сон
қўшма қарорига
ИЛОВА

**Фан (илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари)
соҳасида статистик кўрсаткичларни шакллантириш
бўйича услубий низом**

Фан (илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари) соҳасида статистик кўрсаткичларни шакллантириш бўйича услубий низом (кейинги ўринларда-Услубий низом) илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини (кейинги ўринларда-ИТТКИ) ўрганиш, шунингдек, ташкилотлар томонидан тадбиқ этилган ҳисоботларнинг иқтисодий самарасини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Фанга оид маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш бўйича тавсияларга (Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти (ИХРТ), Европа Ҳамжамиятининг Статистика Бюросининг учинчи таҳрири (Евростат) ҳамда “Фраскати қўлланмаси-2015”) асосланган.

Услубий низом статистик ҳисоботларни ўтказишнинг асосий босқичларига мос келувчи кетма-кетликда ифода этилган бўлиб, республикада, хусусан, ҳудудларда ишлаб чиқаришни модернизациялашни чуқурлаштириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнлари ва натижалари тўғрисида илмий асосланган хулосалар чиқаришга имкон берувчи ишончли статистик маълумотларни шакллантириш мақсадида, давлат статистика органлари томонидан фойдаланиш учун мўлжалланган.

Услубий низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон "Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, мамлакатимизда статистика маълумотларининг сифати ва ишончилигини ошириш борасида тизимли ишлар амалга ошириш доирасида жорий этилган.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу услубий низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади.

Олий таълимдан кейинги таълим - докторлик диссертациясини тайёрлаш ва химоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганишни ва илмий изланишлар олиб боришни назарда тутадиган таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчанлик асосида илмий даражага эга илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни таъминлайдиган таълим тури.

Таянч докторантура - фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD)) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли.

Докторантура - фан доктори (Doctor of Science (DSc)) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли.

Докторант - илмий ташкилот ёки таълим муассасаларига таянч докторантура ёки докторантурага белгиланган тартибда қабул қилинган шахс.

Мустақил изланувчи - илмий ташкилот ёки таълим муассасаларида мустақил изланувчиликка белгиланган тартибда қабул қилинган шахс.

Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ) - бу билимларни ошириш мақсадида олиб бориладиган ва шу билан бирга инсоният, маданият ва жамият ҳақидаги билимларни оширишга қаратилган ижодий фаолиятдир.

ИТТКИ атамаси учта фаолият турини ўзида қамраб олади: фундаментал тадқиқотлар, амалий тадқиқотлар, илмий-техник ишланмалар.

Фундаментал илмий тадқиқотлар - табиат, одам, жамият, сунъий равишда яратилган объектлар ривожланишининг асосий қонунлари тўғрисида янги билим олишга қаратилган назарий ва (ёки) экспериментал тадқиқотлар.

Илмий амалий тадқиқот - аниқ илмий мақсадларга эришиш учун фундаментал илмий тадқиқотлар натижаларини қўллашга қаратилган тадқиқотлар.

Илмий-техник ишланмалар - янги материаллар, маҳсулотлар, қурилмалар, технологик жараёнлар, тизимлар ва усулларни, шунингдек уларни такомиллаштиришни таъминлайдиган ишланмалар.

Илмий-техник хизматлар - илмий-техникавий маълумотлар, патентлар, лицензиялар, стандартлаштириш, метрология ва сифат назорати, илмий-техник маслаҳат, илмий билимларни олиш, тарқатиш ва қўллаш соҳасидаги кўмаклашувчи бошқа фаолиятлар.

Илмий тадқиқот ишлари турлари бўйича 4 та секторга бўлинади: давлат сектори, тадбиркорлик сектори, олий таълим сектори ҳамда хусусий нотижорат сектори.

Илмий-тадқиқот ходимлари - ижодий фаолияти тизимли равишда илмий билимлар ҳажмини оширишга ва ушбу билимларни қўллашнинг янги йўналишларини топишга қаратилган, шунингдек илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ хизматлар кўрсатадиган жисмоний шахслар.

2. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажарувчи ходимлар, фаолият турлари бўйича таснифланиши мумкин:

тадқиқотчилар - илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланадиган ва янги билимлар, маҳсулотлар, жараёнлар, усуллар ва тизимларни яратишда, шунингдек ушбу фаолиятни бошқаришда бевосита иштирок этадиган ходимлар. Тадқиқотчилар одатда олий маълумотга эга бўлишади. Ушбу тоифага, шунингдек илмий-тадқиқот жараёнини бевосита назорат қиладиган маъмурий ва бошқарув ходимлари (илмий-тадқиқот ва ишланмалар билан шуғулланувчи илмий ташкилотлар ҳамда бўлимлар раҳбарлари) ҳам киради, аммо магистрантларнинг илмий-тадқиқот ишлари, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари маълумотларидан олиб ташланиши керак;

техниклар - одатда тадқиқотчилар назорати остида (илмий асбоблардан фойдаланиш ва ишга тушириш, лаборатория ускуналари, ҳисоблаш техникалари, материаллар тайёрлаш, чизмалар, экспериментлар ўтказиш, тажриба ва таҳлиллар ҳамда бошқалар) илмий тадқиқот ва ишланмаларни бажаришда иштирок этувчи ҳамда техник функцияларни бажарувчилар. Кўпинча техник ходимлар ўрта махсус маълумотга эга ва (ёки) зарур профессионал тажриба ҳамда маълумотларга эга бўлади;

ёрдамчи ходимлар - илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш билан боғлиқ ёрдамчи функцияларни бажарадиган ходимлар (иқтисодий режалаштириш ходимлари, молиявий, патент хизматлари, илмий-техникавий кутубхона бўлими ходимлари, илмий-техник кутубхоналар; илмий ускуналарни ўрнатиш, ишга тушириш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш билан шуғулланадиган ходимлар). ва асбоблар; тажриба (экспериментал) ишлаб чиқаришларининг ишчилари; олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлмаган лаборантлар);

бошқа ходимлар - техник хизмат кўрсатадиган ишчилар ва ташкилот фаолияти билан боғлиқ бошқа умумий функцияларни бажарувчи (бухгалтерия, кадрлар хизмати, моддий-техника таъминоти бўлинмалари, машинистлар ва бошқалар).

3. Илмий тадқиқотлар ва ишланмалар қуйидаги фан соҳалари бўйича таснифланади:

табиий фанлар: астрономия, бактериология, биокимё, биология, ботаника, кимё, информатика, энтомология, геология, геофизика, математика, метеорология, табиий география, минералогия, физика, зоология ва бошқа тегишли фанлар;

техник фанлар: (муҳандислик ишланмалари ва технологиялар) қуйидагиларни ўз ичига олади: фуқаролик техникаси, электротехника, электроника, бошқа муҳандислик фанлари (кимё, механика, металлургия, авиация ва космос, материалларни яратиш);

тиббиёт фанлари қуйидагилардан иборат: умумий тиббиёт, клиник тиббиёт, соғлиқни сақлаш фанлари;

қишлоқ хўжалиги фанлари: агрономия, чорвачилик, балиқчилик, ўрмончилик, боғдорчилик, ветеринария ва бошқа тегишли соҳалар;

ижтимоий фанлар: психология, иқтисодиёт, таълим фанлари, бошқа ижтимоий фанларни (антропология ва этнография, демография, география, менежмент, юриспруденсия, лингвистика, сиёсий фанлар) ўз ичига олади;

гуманитар фанлар қуйидагиларни ўз ичига олади: санъат (санъат тарихи ва танқиди), тиллар (замонавий ва қадимий тиллар ва адабиёт), фалсафа, қадимий тарих ва тарих, ёрдамчи тарихий фанлар билан бирга археология, нумизматика, палеография, дин, ушбу гуруҳга тегишли тарихий ва бошқа илмий ва техник фаолиятлар.

4. Илмий тадқиқот ва ишланмаларга харажатлар ташкилотнинг ўзи томонидан амалга оширган ички харажатларни (жорий ва капитал)

ва шартномалар асосида бошқа ташкилотлар томонидан бажарилган ишларга харажатларни қамраб олади.

Илмий тадқиқот ва ишланмаларга ички (жорий ва капитал) харажатлар - ҳисобот даврида, мамлакат миқёсида, ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобидан илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш учун пул кўринишида ифодаланган (шу жумладан чет элдан молиялаштирилган, аммо чет элдан амалга оширилган тўловлар бундан мустасно) амалдаги харажатлари тушунилади.

Илмий тадқиқот ва ишланмаларга ички жорий харажатлар - иш ҳақи, ижтимоий суғурта бадаллари, махсус дастгоҳларни сотиб олиш харажатлари, бошқа моддий харажатлар (хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар, ярим тайёр маҳсулотлар, ёқилғи, энергия, саноат ишлари ва хизматларининг нархи ва бошқалар) ва бошқа харажатлар.

Илмий тадқиқот ва ишланмаларга сарфланадиган ички капитал харажатлар - ер сотиб олиш, бинолар қуриш ёки сотиб олиш, дастурий таъминот, ускуналарни сотиб олиш ва асосий воситаларга киритилган бошқа харажатлар. Бунда, амалдаги ёки режалаштирилган амортизация тўловлари илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари бўйича ички капитал харажатлардан чиқарилади.

Ташқи харажатлар - ҳисобот даврида шартномалар бўйича бошқа ташкилотлар томонидан бажарилган илмий тадқиқотлар ва ишланмалар ёки илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари натижаларини сотиб олиш қиймати.

Илмий тадқиқот ва ишланмаларни молиялаштириш манбалари, буюртмачи ташкилотдан маблағларни ижро этувчи ташкилотга тўғридан-тўғри ўтказиш асосида аниқланади.

Умуман олганда, молиялаштириш манбалари бўйича ташкилотнинг тадқиқот ва ривожланиш учун маблағлари ташкилотнинг ўз маблағлари, давлат бюджети маблағлари, шу жумладан республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари, давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари, шунингдек хорижий манбалар (хорижий инвесторларнинг маблағлари, шу жумладан ссудалар ва қарзлар) ва буюртмачи маблағларига (бошқа ташкилотларнинг маблағлари) бўлинади.

5. Фаннинг турли қирраларини ўрганиш учун статистика ички ҳамда ташқи алоқаларининг хилма-хиллигини акс эттирувчи турли тасниф

ва гуруҳлардан фойдаланади. Улар орасида марказий ўрин илмий изланишларнинг фан соҳалари ва секторлари бўйича (фундаментал, амалий тадқиқотлар, ишланмалар) кўп қиррали таснифига тегишли.

Фан соҳалари илмий-тадқиқотлар ва ишланмалар олиб бориладиган фанлар. Олимларнинг муайян мавзудаги тадқиқотларнинг предмети ва соҳаси, уларнинг кооперацияси ва ташкилий шакллари, илмий даврий ва бошқа нашрлар, тегишли йўналишдаги кадрлар тайёрлаш тизими мавжудлиги билан тавсифланади.

Фан соҳаларини таснифлаш уларнинг мавзуси, методологик ва функционал хусусиятларига асосланган ва иерархик тузилишга эга: фан соҳалари (биринчи даража) - фан соҳалари (иккинчи даража) - илмий мутахассисликлар (учинчи даража).

Статистикада фан соҳаларини таснифлашнинг асослари ЮНЕСКО статистика институтининг тавсиялари ҳисобланади. Шунга кўра, илмий фанларнинг умумий мажмуи таркибида ҳам маҳаллий, ҳам халқаро статистик амалиётда олтита йирик фан соҳаси мавжуд: табиий, техник, тиббий, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий, гуманитар фанлар, бу эса ўз навбатида муайян тармоқлар ва илмий мутахассисликлар бўйича батафсил маълумот беради.

Статистикада фан секторлари сифатида, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга оширувчи ҳамда тақдим этилаётган хизматлари, шунингдек молиялаштириш манбалари ва ҳуқуқий мақомига кўра асосий функцияларининг бир хиллиги билан ажралиб турувчи кўплаб ташкилотларни бирлаштирган иқтисодиёт тармоқлари тушунилади.

Илмий ташкилотларни гуруҳларга ажратишнинг бундай ёндашуви, тадқиқотлар олиб борилаётган иқтисодиётнинг муайян соҳалари ва жамоатчилик эҳтиёжларни қаноатлантиришга асосланган гуруҳларни аниқлаш учун, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) томонидан тавсия этилган.

Илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга оширувчи ташкилотлар қуйидаги фаолият секторлари бўйича таснифланади: давлат, тадбиркорлик, олий таълим ва нотижорат ташкилотлар.

Фаолият секторлари бўйича таснифлаш асосан миллий ҳисоблар тизимига асосланган. Илм-фаннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ва умумий қабул қилинган характерга эга бўлган ягона фарқ шундаки, олий таълим муассасалари алоҳида сектор сифатида ажратилган ва уй хўжаликлари хусусий фойда келтирмайдиган сектор билан

бирлаштирилган. Бу илмий тадқиқотлар ва ишланмалар ривожланиши кўрсаткичларини бошқа статистик маълумотлар билан таққослаш ва мамлакат иқтисодиётидаги илм-фаннинг ўрнини ва унинг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссасини тўғридан-тўғри ёки билвосита баҳолаш имконини беради.

Фан ва инновациялар статистикасининг ўзига хос таснифи ва гуруҳлари, шунингдек, улардан баъзилари (илмий ташкилотларнинг турлари, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг ижтимоий-иқтисодий мақсадлари, инновацион фаолият турлари ва бошқалар) статистик кузатув амалиётида, умумий статистик таснифларга қўшимча равишда (иқтисодий фаолият турлари, маъмурий-худудий тузилмалар ва бошқалар) қўлланилади. Улар статистик маълумотларни тўплаш ва ишлаб чиқиш тизимини шакллантиришда ҳал қилувчи рол ўйнайди ва мамлакатнинг илмий ва инновацион салоҳияти таркибини батафсил таҳлил қилиш имкониятини беради.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари статистикасининг мақсади фан ва технология соҳасида тегишли қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш учун илмий-тадқиқот ишларининг миллий ҳаракатларини ўлчашдан иборат.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига, фундаментал илмий тадқиқотлар, илмий амалий тадқиқот ишлари ва тажриба конструкторлик ишланмалари киради.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари статистикаси тоифалар ва таълим даражаси бўйича илмий тадқиқотлар ва ишланмалар билан шуғулланадиган ходимлар сонини ҳисобга олади (олий, шундан доктор илмий даражасига эга бўлганлар, фан номзоди ёки фалсафа доктори, ўрта махсус ва бошқалар.). Бундан ташқари, тадқиқотчилар сони фан соҳалари, жинси, ёши ва тоифалари бўйича кўриб чиқилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий даражали кадрларни тайёрлаш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 6 ноябрдаги 696-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “Олий ўқув юртидан кейинги таълим” сўзлари “Олий таълимдан кейинги таълим” сўзлари билан алмаштирилди. Ўзбекистонда Олий таълимдан кейинги икки босқичли таълим тизими қабул қилинган бўлиб, диссертация ҳимоя қилиш ва тегишли фан тармоғи

бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD)) илмий даражасини беришни назарда тутувчи таянч докторантура, диссертация ҳимоя қилиш ва тегишли фан тармоғи бўйича фан доктори (Doctor of Science (DSc)) илмий даражасини беришни назарда тутувчи докторантура тизими амал қилмоқда.

Илмий кадрлар тайёрлашни статистик ўрганиш базавий докторантура ва докторантуранинг кўрсаткичларини ўз ичига қамраб олади (базавий докторантура ва докторантурага эга бўлган илмий ташкилотлар ва университетлар сони; фан ва илмий мутахассисликлар доирасидаги докторлик ва докторантурага даъвогарларнинг сони, қабул қилиниши ва битириши). Мустақил изланувчи фан доктори даражаси илмий изланувчилари, шунингдек фалсафа доктори даражасини ҳимоя қилганлар алоҳида ҳисобга олинади.

Илмий ташкилотларнинг асосий воситалар билан таъминланиш даражаси, ишчи кучининг фонд ва технологик таъминланганлигини тавсифловчи кўрсаткичлар ҳисобланади. Фонд билан таъминланганлик, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг асосий воситаларининг (илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини амалга ошириш учун фойдаланиладиган асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати) уларнинг иш билан банд бўлган ходимлар сонига ва машиналар ва асбоб-ускуналарнинг тадқиқотчилар сонига нисбати сифатида баҳоланади.

II. Маълумотлар манбаи ва унинг статистик ҳисоби

7. Ҳисобот йилида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга оширган ташкилотлар статистик кузатувлар объектлари ҳисобланади ҳамда уларнинг фаолиятини Давлат статистика кўмитаси, ҳисобот топширишлари учун ялпи усул билан қамраб олади.

Ҳисобот йилида илмий-тадқиқот ва ишланмаларни олиб борган корхоналарни қамраб олиш ҳамда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари статистикасини халқаро даражада таққослашни таъминлаш учун Европа ҳамжамиятининг NACE REV.2 иқтисодий фаолияти турлари таснифи қўлланилади, миллий даражада - Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (2 таҳрир) қўлланилади.

Илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари статистикаси бўйича давлат статистика кузатуви шакллари, илмий-техник маҳсулотларни яратиш тўғрисидаги шартномалар, интеллектуал мулкка эгалик ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш тўғрисидаги шартномалар ва бошқа бирламчи ҳужжатлар асосида тўлдирилади. Харажатлар бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида акс этади.

8. Илмий-тадқиқот ишларни амалга оширган корхоналар рўйхати йилнинг 1 январь ҳолатига бўлган КТЯДР маълумотлари асосида шакллантирилади.

9. **1-fan shakli** “Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларни бажарилиши ҳамда олий тоифали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш тўғрисида”, ушбу Давлат статистика ҳисоботини қуйидаги йирик ташкилотлар топширади:

- илмий тадқиқот ишларини олиб борган йирик тижорат ташкилотлари;
- малака ошириш институтлари (ИФУТ-8559);
- фанлар академияси тасарруфидаги илмий тадқиқот муассасалари (ИФУТ-72, РТР-3);

10. **1-fan (tanlanma kuzatuv savolnomasi)** “Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини амалга оширган микрофирма ва кичик корхоналар бўйича саволнома” ушбу статистик саволномани қуйидаги микрофирма ва кичик корхоналар топширади:

- 1-kb shakli “Микрофирма ва кичик корхонанинг ҳисоботи”ни топширган илмий тадқиқот билан шуғулланувчи микрофирма ва кичик корхоналар (КТЯДР хос рақами: ИФУТ-72, РТР-1,2).

11. Фанда турли кўринишлари билан боғлиқ илмий тадқиқот ишланмалари қуйидаги асосий кўрсаткичлар билан тавсифланади:

- илмий тадқиқотлар;
- лойиҳа-конструкторлик ва технологик ишлар;
- тажрибавий нусха-намуналар, партиялар, буюмлар (маҳсулотлар) тайёрлаш;
- курилиш учун лойиҳа ишлари;
- илмий-техник хизматлар;

III. Фан статистикаси кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари

12. Фанга оид асосий кўрсаткичлар қуйидаги формулалар орқали ҳисобланади:

ИТТКИга ажратилган харажатларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбати

$$\begin{array}{l} \text{ИТТКИга ажратилган} \\ \text{харажатларнинг ялпи} \\ \text{ички маҳсулотга} \\ \text{нисбати} \end{array} = \frac{\text{ИТТКИга ажратилган харажатлар}}{\text{Ялпи ички маҳсулот ҳажми}} \times 100;$$

ИТТКИни бажарган ташкилотларда саноат ташкилотларининг улуши

$$\begin{array}{l} \text{ИТТКИни бажарган} \\ \text{ташкилотларда саноат} \\ \text{ташкилотларининг} \\ \text{улуши} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{Саноат соҳасида ИТТКИни} \\ \text{бажарган ташкилотлар сони} \end{array}}{\begin{array}{l} \text{Жами ИТТКИни бажарган} \\ \text{ташкилотлар сони} \end{array}} \times 100;$$

Ташкилотлар томонидан бажарилган ИТТКИ ҳажмининг ялпи ички маҳсулотга нисбати

$$\begin{array}{l} \text{Ташкилотлар} \\ \text{томонидан бажарилган} \\ \text{ИТТКИ ҳажмининг} \\ \text{ялпи ички маҳсулотга} \\ \text{нисбати} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{Ташкилотлар томонидан} \\ \text{бажарилган ИТТКИ ҳажми} \end{array}}{\text{Ялпи ички маҳсулот ҳажми}} \times 100;$$

Бажарилган ИТТКИ ҳажмида тадбиркорлик секторининг улуши

$$\begin{array}{l} \text{Бажарилган ИТТКИ} \\ \text{ҳажмида тадбиркорлик} \\ \text{секторининг улуши} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{Тадбиркорлик секторида амалга} \\ \text{оширилган ИТТКИ ҳажми} \end{array}}{\text{Жами бажарилган ИТТКИ ҳажми}} \times 100;$$

Фан соҳаларига ажратилган харажатлардан техника фанларига ажратилган харажатларнинг улуши

$$\begin{array}{l} \text{Жами харажатлардан} \\ \text{техника фанларига} \\ \text{ажратилган} \\ \text{харажатларнинг улуши} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{Техника фанларига ажратилган} \\ \text{харажатлар} \end{array}}{\begin{array}{l} \text{Жами фан соҳалари бўйича} \\ \text{ажратилган харажатлар} \end{array}} \times 100;$$

Ўз кучи билан бажарилган ИТТКИга ажратилган харажатлардан давлат бюджетининг улуши

$$\begin{array}{l} \text{Ўз кучи билан} \\ \text{бажарилган ИТТКИга} \\ \text{ажратилган} \\ \text{харажатлардан давлат} \\ \text{бюджетининг улуши} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{Давлат бюджетидан ажратилган} \\ \text{харажатлар} \end{array}}{\begin{array}{l} \text{Ўз кучи билан бажарилган жами} \\ \text{харажатлар} \end{array}} \times 100;$$

ИТТКИни бажарган ходимлар сонидан аёлларнинг улуши

$$\begin{array}{l} \text{ИТТКИни бажарган} \\ \text{ходимлар сонидан} \\ \text{аёлларнинг улуши} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{ИТТКИни бажарган аёллар сони} \end{array}}{\begin{array}{l} \text{ИТТКИни бажарган ходимлар} \\ \text{сони} \end{array}} \times 100.$$

Маълумот учун фойдаланилган хужжатлар рўйхати

1. Фан (илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари)га оид маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш бўйича “Фраскати-2015 қўлланмаси” тавсиялари.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий даражали кадрларни тайёрлаш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 6 ноябрдаги 696-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг “Таълим тўғрисида”ги 2020 йил 19 майдаги 637-сонли қарори.